

СУНИЙ ЙҮЛ БИЛАН ОНА АСАЛАРИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Акрам Чарангаев

Самарқанд давлат ветеринария медецинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали магистранти.

*Илмий раҳбари: Улуғхўжа Ходжаев,
катта ўқитувчи*

Мазмуни: Ушбу мақолада суний йўл билан она асалари зотларини купайиши маҳсулдорлигини оширишга қаратилган.

Калит сўзлар: суний, қуртча, озуқа, ғумбак, .

Тарқалиши: Асосий асал учун карпат маликаларида тухум ишлаб чиқариш юқори ҳисобланган ҳолларда маҳсулдорликни ошириш учун озуқага катта аҳамият берилади. Бу, асосан карпат асаларилари карпат тоғларида тарқалган бўлиб, тоғли ҳудудларда асал йиғишга мослашган.

Суний кўпайиши:

Сунъий усулда она ари етиштиришни икки йўл билан амалга ошириш мумкин:

- 1) тарбияловчи оила тайёрлаш (ёш она ари тарбияланадиган оила);
- 2) личинкаларни она ари уясида тарбиялаш.

Тарбияловчи оила тайёрлаш учун энг яхши ирсий хусусиятларга эга асалари оиласини олиш керак. Асалари личинкаларини тарбиячи қўйишдан 3–4 кун олдин ва она ари чиққунига қадар ҳар куни асалари оиласига қўшимча равишда 0,5 литр шакар сиропидан ёки асал – перга аралашмасидан бериб турилади. Оиладаги барча ромлар асаларилар жойлашадиган қилиб қисқартирилади, уялар иситилади, диафрагма ва том тагига ҳам иситгич ёстиқчалар қўйилади.

Тарбияловчи оила тайёрлашнинг усуллари:

1. тарбияловчи оилада қари она арини олиб ташлаб, ёш она арини ёпиқ насл билан етиштириш. Тарбияловчи оила тайёрлашнинг энг оддий ва кенг тарқалган усули – бу оилани тўлиқ етим қолдиришdir. Бунда оиладаги она асалари топилиб, унинг ажратилган бўлакчага солинади, кейин очиқ ва печатланган насл орасида ётган ҳамма личинкалар сув қуйиб ёки гугурт чўпи билан олиб ташланади. Уянинг марказига печатланган насл солинган, четларига эса озиқ солинган ромлар қўйилади. Оила тайёрланганидан кейин 12 соат ўтгач, печатланган наслли ари ромлари ўртасига пайванд ромдаги личинкалардан она ари танлаб олиниб, тарбиялашга қўйилади. Бу усулнинг яхши томони шуки, бунда кўплаб она ари олиш мумкин, лекин тарбияловчи оила анча кучсизланиб қолади.

2. очиқ наслли тарбияловчи оилада қари она арини олиб ташлаб, ёш она ари етиштириш. Бу усул энг юқори сифатли она ари олишга имкон беради. Бунда оиладан фақат эски она ари олиб ташланиб, очиқ насллилари қолдирилади. Уядан асали кам ва бўш ромлар олиб ташланади. Тўрт соат ўтгач, уянинг марказига пайвандли ромга она ари тарбиялаш учун товоқчада личинкалар қўйилади. Эртасига оиладаги наслли ҳамма ромлар кўриб чиқилиб, она арининг тешик мумкатаклари бўлса, олиб ташланади.

3. қари она арили тарбияловчи оилада ёш она арини етиштириш. Бу усулда она ари ва барча наслли ромлар уянинг пастки қаватига жойлаштирилади, устки қаватнинг четларига асалли ромлар қўйилади. Устки ва пастки қаватлар маҳсус сетка (катақ) билан ажратилади. Ундан ишчи асалари бемалол кириб-чиқиб юради, аммо она ари ўта олмайди. Эртасига устки қаватдаги печатланган наслли ромларнинг марказига она ари тарбиялаш учун пайвандли ромдаги личинкалар қўйилади. Бу усул билан озгина, лекин сифатли она ари олинади, оила ҳам ўз ишчи ҳолатини йўқотмайди. Агарда хўжалиқда уялар қаватли бўлмай, ётоқ уялар бўлса, унда ҳар бир уя маҳсус ромлар билан икки бўлакка ажратилади.

Агар сифатли ва кўплаб она ари олиш зарур бўлса, очиқ насл билан она ари тайёрлаш ва эски она арини олиб ташлашнинг бошқача усули қўлланилади. Бунда она ари уядан олиб ташланганидан кейин, очиқ ва печатланган ромлар вақтинча бошқа ромга ўтказилади. Лекин бундан олдин ромлардаги ҳамма асаларилар силтаб тушириб ташланади, фақат иккита печатланган ва асалли ромлардаги ариларгина қолдирилади. Олиб ташланган ромлар ўрнига бўш мум ин-уялар қўйилади. 3-4 соат ўтганидан кейин асаларилар зич жойлашиши учун уя марказидаги икки ром ўртасига пайвандли ромдаги личинкалар она ари етиштириши учун қўйилади. Эртасига личинкаларнинг она ари тарбиясига қабул қилинганлиги текшириб қўрилади, очиқ ва печатланган наслли барча ромлар уяга қайтариб қўйилади ва бўш мум инлар олиб ташланади. Бунда ҳам, юқорида айтилганидек, оиладаги ромлар асаларилар зич жойлашадиган қилиб тахланади. Икки кундан кейин очиқ наслли барча ромлар кўриб чиқилади, тешик она ари мумкатаклари бўлса, олиб ташланади. Бу усулда қуртлар она ари тарбиясига яхши қабул қилинади. личинкаларни она ари тарбиясига тайёрлаш. Личинкалар она ари тарбиясига сунъий товоқчаларга ўтказиш ва ўтказмасдан тайёрланади.

тавсиялар:

- 1-гуруҳ - она ари етиштириш учун қуртча олинадиган оналик оила;
- 2-гуруҳ - эркак ари етиштириладиган оталик оила;
- 3-гуруҳ - косачадаги ва ғумбакдаги қуртчаларни тарбияловчи оила.

Сунъий йўл билан она ари етиштириш орқали асаларичи қуйидаги кўрсаткичларга эришади:

биринчи юқори маҳсулдор сифатли она ари қўйган тухумдан қуртчаларни олиб, кўп сонли она ари қуртчаларни етиштириш мум-кин;

эрта баҳорда режали равишда ташкил этиладиган кичик янги оиласарга кераклигича она ари етиширилди;

сунъий етиширилган она арилар юқори сифатли бўлибгина қолмай, балки кўч она арилардан тухум қўйиш қобилияти бўйича қолишмайди ва айрим ҳолларда устун туради;

она ари етишириш бўйислия маҳсус ихтисослаштирилган хўжалик ташкил этилиб, керакли арилари зотидан она ари етишириш мумкин;

яхши она ари етишириш хўжалиги ташкил этилгач, асалариларнинг зотини яхшилаш бўйича наслчилик ишларини ташкил этиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Н.Ф.Крахотин. “Ўзбекистонда асаларичилик”. – Т.:Меҳнат, 1985.
2. А.И.Исамуҳаммедов. “Асаларичилик”. – Т.:Ўқитувчи, 1995.
- 3.Б.А.Қаҳрамонов., А.И.Исамуҳаммедов., У.Ш.Балласов., С.Ш.Исамуҳаммедов., О.С.Тўраев. “Асаларичилик”. – Т.: 2012
- 4.А.И.Исамуҳаммедов., Ҳ.К.Никадамбаев. “Асаларичиликни ривожлантириш асослари”. – Т.: Шарқ нашриёти, 2013 йил.
5. Г.А.Аветесян. “Пчеловодство” Москва. Колос, 1982 г.

Электрон манбаалар:

1. www.zionet
2. www.uralri.ru
3. www.33r.ru
4. www.agronews.ru
5. www.apk-inform.com/animalstat
6. www.proagro.com.ua/news